


ОҚАВА СУВЛАРДАГИ ЙИРИК ЧЎКИНДИЛАРНИ АЖРАТИБ ОЛИШ

ассистент М.Б.Толипов, М9-13 СТК гуруҳ талабаси Б.Абдуллаев

Фарғона политехника институти Қурилиш факультети МКҚ кафедраси

Тозалаш иншоотларига келаётган оқава сувлар панжаралардан ўтади. Бу ерда йирик жисмлар консерва банкаси, хар хил матолар, ёғоч бўклари, тошлар ушланиб қолади. Агарда бу жисмларни ушлаб қолинмаса қувурлар тўлиши, каналлар ишдан чиқиши, насосларда носозликларни келтириб чиқариши мумкин. Кичик тозалаш иншоотларида ушлаб қолинган жисмларни қўлда тозаланади. Панжаралар ораси 40-50 мм бўлиб, оралари кичикроқ бўлган сари ушлаб қолинадиган жисмлар ҳам қўпайиб боради.

Панжара қия холатда 1:3 қилиб ўрнатилади. Тик ўрнатилса ушлаб қолинган жисмлар яна оқава сувларга тушиб қолади. Хизмат кўрсатаётган ишчиларга иш қўпайиб боради. Панжараларни чиқариб олинадиган қилиб тайёрланади. Энини қувур диаметри билан бир хил қилиб олинади, акс холда атрофига қум тўпланиши мумкин. Панжара орасидаги тирқишларга грабель (пайшак) тишлари мослаб қилинади.



Расмда кўрсатилган панжара кесими ва режаси.

1-панжара йирик чўкиндилярни йиғиш учун айланма канал олдиға ўрнатилади, 2-қўприк хизмат кўрсатиш учун, 3-контейнер тирқишлари чўкиндилярни йиғиш учун, 4-айланма канал, 5-панжара

Оқава сувларни панжаралардан ўтказиш биринчи тозалаш жараён билан бўлиб ҳамма кичик тозалаш иншоотларига ўрнатилади, ва намунавий турар жойлардаги тозалаш иншоотларида қўллаш мумкин.

Панжараларнинг техник кўрсаткичлари

Панжара тури	Ўтказиш қобилияти минг м ³ /сут	Панжара олди канал ўлчами		Қирким оралиқ юза, м ²	Панжара кенглиги Вп, мм	Вазни, кг
		В, мм	Н, мм			
РМВ-1000	26	1000	1000	0,3	-	1690
РМВ	17	600	800	0,2	-	610
МГ-9Т	33	1000	1200	0,38	1425	1320
МГ-7Т	35	800	1400	0,39	1338	1000
МГ-11Т	50	1000	1600	0,57	1520	1500
МГ-10Т	65	1000	2000	0,74	1580	1800
МГ-8Т	110	1400	2000	1,25	1955	1657
МГ-12Т	140	1600	2000	1,50	2175	1870
МГ-6Т	165	2000	2000	1,90	2675	1951
МГ-5Т	185	2000	3000	2,105	2175	2690

Панжаранинг жонли қирқими қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади.

$$F = \frac{q}{\mathcal{Q}_p} \text{ м}^2$$

q-максимал секунд сув сарфи, м³/сек

$\mathcal{Q}_p$ -панжара тирқишидаги сув тезлиги, 0,8-1,0 м/с.

Тирқишларнинг сони қуйидаги ифодадан аниқланади:

$$B_p = n v + (n-1) S$$

$$n = \frac{B_p + S}{S + e}$$

Панжара олдидаги сув оқимининг чуқурлиги

$$h_{\max} = \frac{q \cdot K_1}{e \mathcal{Q}_p n N}$$

K₁-панжара хаскашининг жонли қирқимни камайтиришини ҳисобга олувчи коэффициент K₁=1,05

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2013-2015 йилларга мўлжалланган сув таъминоти ва канализация тизимини комплекс тарзда янада ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги 337-сонли қарори.
2. Зацепин М.В. Курсовое и дипломное проектирование водопроводных и канализационных сетей и сооружений. – М.: Стройиздат. 1981. – 174стр.